



**Chief Editor:**

**S.Nazarkasimov**, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

**Deputy Chief Editor:**

**A.Turaev**, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

**Members of the editorial board:**

Sh.S.Sharipov - Professor  
B.M.Ochilova - Professor  
D.Khodjimetova - assistant professor  
A.Pardaev - assistant professor  
M.N.Khoshimkhonov - assistant professor  
A.I.Saidkasimov - assistant professor -  
F.K.Akhmedov - assistant professor  
B.E.Toshboev - assistant professor  
I.N.Akhmedov - PhD  
D.Salimova - PhD  
N.N.Alimov - assistant professor  
M.Saidov - Ph.D.  
X.Maxammadiev - teacher

**Editorial Representative:**

Abrar Turaev  
Jizzakh State Pedagogical Institute,  
Uzbekistan  
Phone: +998933091877  
e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC  
JOURNAL**

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali  
“Mentor” scientific-educational  
journal

Научно-просветительский  
журнал “Наставник”

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

Jizzakh State Pedagogical  
Institute, Uzbekistan



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

| №  | MUALLIFLAR/<br>AUTHORS /<br>АВТОРЫ | MAQOLA NOMI/<br>ARTICLE TITLE/<br>НАЗВАНИЕ СТАТЬИ  | SAHIFALAR/<br>PAGES/<br>СТРАНИЦЫ |
|----|------------------------------------|--|----------------------------------|
| 1  | <b>Н.А.Шермухамедова</b>           | Даврнинг руҳи ва таълим тизими<br>ислохотларининг мутаносиблиги  | <b>4-10</b>                      |
| 2  | <b>С.С.Агзамходжаева</b>           | Аёл маънавияти – ҳаёт зийнати  | <b>11-16</b>                     |
| 3  | <b>О.М.Ғайбуллаев</b>              | Ёшларда диний бағрикенгликни<br>шакллантиришнинг фалсафий моҳияти  | <b>17-20</b>                     |
| 4  | <b>Г.М.Тўраева</b>                 | Юксак маънавият маъсулияти   | <b>21-28</b>                     |
| 5  | <b>Ф.Б.Файзиёва</b>                | Ёшлар кибер ижтимоийлашуви амалий<br>социологик тадқиқот объекти сифатида  | <b>29-32</b>                     |
| 6  | <b>Ф.Маматқулов</b>                | Шахс камолотида маънавиятнинг ўрни   | <b>33-38</b>                     |
| 7  | <b>А.А.Қамбаров</b>                | Ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан<br>ҳимоя қилишда диний ислохотлар масаласи                                 | <b>39-42</b>                     |
| 8  | <b>С.Э.Ибрагимов</b>               | Баркамол авлодни шакллантиришда<br>ғўзаллик тушунчасининг аҳамияти   | <b>43-47</b>                     |
| 9  | <b>И.М.Арзиматова</b>              | Глобаллашувнинг ёшлар маънавий<br>тарбиясига салбий таъсири  | <b>48-51</b>                     |
| 10 | <b>Г.Х.То`раева</b>                | Globalashuv sharoitida yoshlarda axborot<br>istemoli madaniyatini shakllantirish va<br>rivojlantirish masalalari | <b>52-55</b>                     |
| 11 | <b>У.Б.Муҳаммадиев</b>             | Маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши<br>курашиш ўзликни англашдадир  | <b>56-60</b>                     |
| 12 | <b>Н.Алиматова</b>                 | Глобаллашув шароитида ёшлар онгида<br>миллий ғояни шакллантиришда<br>интеллектуал кадрларнинг роли               | <b>61-65</b>                     |
| 13 | <b>S.A. Pilyak</b>                 | Analysis of the concept of identity in the<br>context of cultural heritage interpretation                        | <b>66-71</b>                     |
| 14 | <b>Н.Тангиров</b>                  | Ижод жараёнининг фалсафий таҳлили  | <b>72-75</b>                     |
| 15 | <b>М.Мамажонова</b>                | Глобаллашув ва маънавий таҳдидларнинг<br>моҳият-мазмуни  | <b>76-78</b>                     |
| 16 | <b>Б. Б. Жалолов</b>               | Зардуштийлик таълимоти манбалари<br>таҳлилиянализ источников учения<br>зороатризма                               | <b>79-82</b>                     |
| 17 | <b>Ф.Абдусаматов</b>               | Ёшлар тарбиясида ислом омили   | <b>83-86</b>                     |
| 18 | <b>А.А.Абдурахмонов</b>            | Давлат ва жамият бошқарувида ёшлар<br>муаммоларини ҳал қилишнинг устувор<br>йўналишлари                          | <b>87-91</b>                     |
| 19 | <b>M.Nabiyev</b>                   | Globalashuv sharoitida ijtimoiy-ma’naviy<br>qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy                                  | <b>92-96</b>                     |

|    |  | tarbiyaning ahamiyati  |                |
|----|--|--|----------------|
| 20 | <b>М.Маматмусаева</b>                    | Глобаллашув шароитида мафкуравий тарбиянинг ўрни: муаъммо ва ечимлар                                       | <b>97-101</b>  |
| 21 | <b>Н. Davlatova</b>                      | Jizzax vohasi tojiklari: an’anaviy turmush tarzi va urf-odatlari   | <b>102-108</b> |
| 22 | <b>З. Миркомилова</b>                    | Глобаллашув: манфаатлар ва зиддиятлар  | <b>109-114</b> |
| 23 | <b>С. Музаффаров</b>                     | Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш маънавий ҳаётнинг долзарб вазифаси                                  | <b>115-118</b> |
| 24 | <b>С. Тоштемирова</b>                    | Глобаллашув шароитида маънавиятни шакллантиришда диний бағрикенгликнинг аҳамияти                           | <b>119-121</b> |
| 25 | <b>С. Каримов</b>                        | Шахснинг ҳаётий мақсадлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти   | <b>122-124</b> |
| 26 | <b>А.Э. Зиётова,<br/>Э.А. Бозоров</b>    | Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда таълим-тарбия муассасаларининг вазифалари | <b>125-129</b> |
| 27 | <b>А.Ш. Эшмуҳаматов,<br/>Ж. Хушбақов</b> | Амир Темур салтанатининг вужудга келиши  | <b>130-133</b> |
| 28 | <b>А. Пармонов</b>                       | Ёшлар ватанпарварлиги - хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш кафолати                                     | <b>134-140</b> |
| 29 | <b>П. Қулматов</b>                       | Шах маънавиятини шакллантиришда ота-она масъулияти   | <b>141-144</b> |
| 30 | <b>Ш.Ж. Хашимов,<br/>С.Х. Хашимова</b>   | Маънавий глобаллашув, ахборотлашган жамият ва ёшлар тарбияси   | <b>145-148</b> |
| 31 | <b>А. Холбоев</b>                        | Ёш авлодни юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялашнинг назарий – педагогик асослари                         | <b>149-154</b> |



## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

*А.Э.Зиётова - СамДАҚИ катта ўқитувчиси,  
Э.А.Бозоров - СамДАҚИ талабаси*

Глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши натижасида инсон учун хавфли бўлган турли хил ноанъанавий таҳдидлар юзага келмоқда. Булардан энг хавфлилари инсонларнинг руҳиятига таъсир ўтказиш орқали миллатларнинг қадриятлари ва турмуш тарзини издан чиқаришга қаратилган ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаётида жиддий таъсир кўрсатадиган маънавий таҳдидлар ҳисобланади.

Маънавий таҳдидлар шахс ахлоқий онгида салбий тушунчалар, туйғулар, хусусиятлар ва сифатларни ҳосил қилувчи иллатлар мажмуидир. Чунки “таҳдид” сўзи “хавф-хатар, хуруж ва бузиш” маъноларини англатади(1). Шу маънода маънавий таҳдидлар шахсни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан бузишга қаратилган мақсадли хуружлар ҳисобланади.

Маънавий таҳдидлардан мақсад: биринчидан, шахснинг маънавий-ахлоқий оламини бузиш; иккинчидан, ўз ватани ва жамиятига нисбатан ёвузлик фикрини уйғотиш; учинчидан, миллий ахлоқий қадриятларни айнитиш; тўртинчидан, ўзгалар жамиятини идеал деб билиш кўникмасини ҳосил қилиш; бешинчидан, зарарли одатларга хуруж қўйишидир. Диққат қилсак, маънавий таҳдидларнинг барча тури носоғлом турмуш тарзи билан боғлиқлигига ва у мафкуравий нуқтаи назардан энг хавфли омил эканлигига амин бўламиз. Чунки, унинг негизини шахс тарбиясини издан чиқаришга қаратилган ғоя ташкил этади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда маънавий таҳдидлар қуйидагича иллатларни тарғиб қилаётгани намоён бўлмоқда: худбинлик, нопоклик, нафс куткусига учиш, хузур-ҳоловатга берилиш, енгил-елпи умр кечиришга даъват, гиёҳвандлик, мутаассиблик, тажовузкорлик, молу-дунёга ўчлик, ахлоқий бузуклик, зўравонлик, ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни эскилик сарқити деб деб қараш, лоқайдлик, маҳаллийчилик, ҳасадгўйлик, бахиллик, сотқинлик, иродасизлик ва х.зо.

Глобаллашув яратаётган имкониятлардан ҳозирги кунда маънавий бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилаётган сиёсий ва мафкуравий марказлар фойдаланмоқдалар(2). Бунинг оқибатида инсоният томонидан катта маънавий

йўқотишлар, миллатимизнинг асрий қадриятлари, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзига ҳавф солаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Агарда масалага амалий кўз билан қарайдиган бўлсак, маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж – бу миллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараққиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан холи бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш ҳавф-хатарларни англатади.

Лунда қилиб айтадиган бўлсак, бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади. Бундай тажовузкорона ҳаракатлар бизлар учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилганлиги билан айниқса хатарлидир.

Янги таҳдидлар, жумладан, “оммавий маданият” ҳавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларни йўқолиш ҳавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида тарихий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътиборда эканлиги кишининг кўнглига таскин беради. Ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон томони бўлгани каби глобаллашув жараёни ҳам салбий ижобий моҳият касб этаверади. Профессор С.Отамуродов глобаллашувнинг ижобий жиҳатларига тўхталар экан, “кўпгина мамлакатларга фан техника, технология ютуқларининг жадал кириб келиши глобаллашув туфайли. Бу эса уларнинг иқтисодий ҳаёти ривожига, халқлар турмуш тарзининг ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу тариқа башариятнинг умумий интеллектуал салоҳияти юксалишига ёрдам бермоқда”, деб таъкидлайди(3).

Глобаллашувнинг миллий маънавиятга кўрсатаётган ижобий таъсирлари тўғрисида билдирилган фикрларни умумлаштириб қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

-маданий алоқалар ва муносабатларнинг глобаллашуви, бир ҳудудда янги маданий ва маънавий қадриятларни, санъат турларининг вужудга келишига сабаб бўлади, бу эса миллий маънавият таркибини янада бойиб боришига олиб келади;

-иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви мамлакатлар моддий ҳаётини яхшилашга кенг йўللار очиб беради ҳамда фуқаролар фаровонлигининг таъминлашига имкон беради;

-фан ва техника соҳасининг глобаллашуви миллий маънавиятнинг асоси бўлмиш миллий интеллектуал салоҳиятни кучайтиради;

-сиёсий-мафкуравий соҳаларнинг глобаллашуви умумжаҳон маънавий муҳитни ривожланишига замин яратади, бу эса миллий маънавиятни янада такомиллаштиришига асос бўлади.

Шу билан бир қаторда глобаллашув жараёнларининг миллий маънавиятга кўрсатаётган салбий таъсири хусусида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

-демогرافик кўчишларнинг айрим ҳудудларда ҳаддан зиёд ошиб кетиши маънавий таъсирлар оқимини ҳам ошишига олиб келади, бу ҳолат шу ҳудуддагимиллий маънавиятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади;

-умумжаҳон миқёсида маънавий-маданий неъматларга эҳтиёж ривожланган давлатлар талабига кўра шаклланиши миллий маънавиятга бир қутбли таъсирини кучайтиради;

- трансмиллий компаниялар маҳсулотлари дунё бўйлаб тарқалиши маънавий таъсирлар ташувчиси сифатида, айниқса жамият келажаги бўлган ёш авлод дунёқарашида шаклланиши ўз миллий заминлари ҳисобига эмас, балки унга зид бўлган “оммавий маданият” ҳисобига ривожланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида миллийликнинг барбод бўлиш жараёнини тезлаштиради;

-сиёсий-мафкуравий муносабатлар кескинлашуви, бу борадаги рақобат дунё сиёсий манзарасида моддий фан, техник, технологик имкониятлари юксак тараққий қилган мамлакатларнинг маънавий устуворлигини таъминлашга, бу ўз навбатида, миллий маънавиятнинг еврилишига олиб келади.

Буларнинг олдидини олишда биринчи навбатда мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий анъаналар ва маънавий қадриятларни, Ватанни севиш ва маъсулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш, шу билан бирга андиша, ғурур, ор-номус, улуғларга ҳурмат, муросачилик принципига асосланган “шарқона демократия” тушунчасини ёшлар онгига сингдириш, уларни халқимизнинг урф-одатларига, маънавий меросини улуғлаш, умуминсоний тамойиллар ва инсон қадрини ҳурмат қилиш каби фазилатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Ёшлар ҳаётига кўринмас, яширин тарзда кириб келаётган глобал хуружларга онгли равшда муносабат билдириш, ёшларга “оммавий маданият” ниқобидаги мафкура нима эканлигини тушунтириш ва бу таҳдидларга қарши кураша оладиган баркамол

инсонларни вояга етказиш зарурдир(4). Булардан ташқари жамиятда маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни олиб бориш билан бирга бугунги глобаллашув шароитида ёш авлодда мустақил онгни шакллантириш мақсадида қуйидаги вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга тадбиқ этишда сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, маҳалла билан доимий ҳамкорликларни кучайтириш ва бу орқали ёшлар қизиқишлари, муаммоларини ўрганиб чиқиш;

Иккинчидан, ёшларнинг инновацион фаолиятини бойитиш, уларнинг хулқ-атвори, қизиқиши, қобилияти, билими, ҳарактини ҳисобга олиб, ижодий фаоллигини ҳар томонлама ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;

Учинчидан, ёшларда мустақил фикрлашни шакллантиришда санъат ва маданият соҳасидаги қизиқишларини юксалтириш, уларда миллий ва умумбашарий кадриятларга содиқлик ҳиссини мустаҳкамлаш;

Тўртинчидан, ахборот алмашилиши, алоқа, ёш авлодни ривожлантириш ва тарбиялаш учун ахборот муҳитини хатарсиз, қулай тарзда кенгайтириш. Оммавийахборот воситалари, матбуот, интернет порталларидан ёшларни ижобий ва самарали фойдаланишга жалб этиш зарурдир.

Бу хусусият ва омилларнинг ёшлар камолотида аҳамияти катта. Бу авваломбор, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини яхши англаймиз.

Мамлакатимизда давлат буюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизи таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда. Буларнинг барчаси бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз бизнес, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида оламшумул муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатимиз истиқболига, буюк аждодларимиз бошлаган эзга ишларни келажак авлодлар муносиб давом эттиришига катта ишонч бағишлайди. Бу имкониятлар ўз навбатида ёшларни бугунги глобаллашув жараёнларида фаол иштирокини таъминлашда, мамлакатимиз тараққиёти ва келажакига ўз билим ва маҳорати билан ҳисса қўшишларида катта амалий ёрдам бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юлдашева С.М. «Соғлом турмуш тарзи - таҳдидларга қарши кураш омили сифатида» // Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ахлоқий кадриятларнинг ўрни. Т., 2009. 191-бет.



2. Отамуродов С. Глобаллашув жараёнининг миллий маънавиятга таъсири.  
// Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий-ҳуқуқий масалалари мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман. Т., Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006. 36-бет.
3. Ўша жойда. 37-бет.
4. Самаров Р. Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт) Монография. Т., Академия, 2010. 63-бет.